РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙТИББИЁТ МАРКАЗИ

БОЙМУРОДОВ ҒУЛОМЖОН АБДУҒАФФОРОВИЧ

КАТТА БОЛДИР СУЯГИ ПРОКСИМАЛ ҚИСМИ СИНИШЛАРИДА ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК: 616.728.3-001.5-089

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Боймуродов Ғуломжон Абдуғаффорович
Катта болдир суяги проксимал қисми синишларида жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш..... 3

Боймуродов Гуломжон Абдугаффорович
Оптимизация выбора метода хирургического лечения переломов проксимального отдела большеберцовой кости..... 28

Boymurodov Gulomjon Abdugafforovich
Optimizing the choice of surgical treatment of fractures of the proximal tibia…….. 51

Эълон қилинганишларрўйхати
Список опубликованных работ
Listofpublishedworks..... 55

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

БОЙМУРОДОВ ҒУЛОМЖОН АБДУҒАФФОРОВИЧ

КАТТА БОЛДИР СУЯГИ ПРОКСИМАЛ ҚИСМИ СИНИШЛАРИДА ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Tib1049 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.uzniito.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги порталида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:	**Дурсунов Ахмат Маликшаевич** тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Асилова Саодат Убайевна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Валиев Эркин Юлдашевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» январь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент ш., Махтумқули кўчаси, 80 уй. Тел.: (99871) 233-10-30, e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (42 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100147, Тошкент ш., Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (99871) 233-10-30)

Диссертатция автореферати 2021 йил «28» декабрда тарқатилди.

(2021 йил «28» декабрь даги 42- рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Ирисметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

У.М.Рустамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.П.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишлари жиддий тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра«...катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи соҳасидаги шикастланишлар инсон ҳаракати аъзолари патологиясида нисбатан тез-тез учровчи жарроҳатлар гуруҳига киради, уларнинг ҳиссаси барча таянч-ҳаракат тизими синишларининг 1,2-7,9% ҳамда барча болдир суяклари синишларининг 7,4–12% ни ташкил қилади, шу билан биргаликда муаммонинг долзарблиги, бўғим ичи синишларини даволашнинг қониқарсиз натижаларининг юқори даражадалиги ва ногиронлик структурасида 25% ташкил қилиши билан белгиланади»[1]. Оёқлар узун найсимон суякларининг бўғим ичи синишларини даволаш муаммоси уларнинг даволашдаги салбий натижаларининг кўп учраши билан белгиланади.

Жаҳонда катта болдир суяги проксимал қисми синишларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илизаров аппарати ёрдамида даволаш усуллари, интрамедуляр ва экстрамедуляр фиксациялар, сих-стерженлар ёрдамидастабил фиксация конструкциялари,миниинвазив пластинали остеосинтез ва блокловчи фиксация комбинациялари ишлаб чиқилмоқда. Суяк ўқи юкига нисбатан турли дифференциал ёндашувлар таклиф қилинмоқда.Жарохатларнинг ўсиш тенденцияси, уларнинг этиологияси ва патогенезининг мураккаблиги, мавжуд бўлган даволаш усулларининг етарли бўлмаган даражадаги самарадорлиги таянч-ҳаракат тизимининг функционал холатига салбий таъсири кузатилмоқда. Бу эсакатта болдир суяги проксимал қисми синишлари муаммоси якуний ҳал этилмаганлиги ва янги тадқиқотларгаталабни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, катта болдир суяги проксимал қисми синишларининг асоратларини камайтириш мақсадида янги устувор йўналишлар, «...тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, шу жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш...»[2] каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш замонавий тиббий хизматлар сифатини ошириш, юқори технологияларни жорий қилиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган турли хил касалликларнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш ва касалланиш даражасини камайтириш имкониятини беради.

---

[1]World Health Organization Department of Violence & Injury Prevention & Disability (VIP) 20 Avenue Appia Geneva 27 Switzerland / Global status report on road safety // https://apps.who.int/iris/bitstream/handle.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4007-сон «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 1 декабрдаги ПҚ-5270-сон «Ногиронлиги мавжуд бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги ўн йилликда катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи атрофи синишлари билан беморлар сони оғишмай ўсиб бормоқда. Дунёнинг етакчи травматология ва ортопедия марказларида катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи атрофи синишларининг этиопатогенези, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кутепов С.М. ва ҳаммуаллифларнинг (2013) фикрига кўра, бўғим жарроҳатларини аниқлашда КТ ва МСКТ усулларини қўллаш, бўғим ичи синишларини жарроҳлик усулида даволашнинг асосий талабларини бажариш, суякларнинг бўғим юзасини анатомик шаклини тиклаш ва субхондрал нуқсонни суяк ауто ёки аллопластика, биокомпозит материаллар билан тўлдириш, таянч металлфиксаторлар билан бирламчи стабил остеосинтез ўтказиш, эрта реабилитация дастурининг бажарилиши хато ва асоратларни нисбатан камайтиришга олиб келади.В.И.Шевцов билан ҳаммуаллифларнинг (2009) қайд этишларига кўра эса, катта болдир суяги платосини бўғим ичи синишларини даволашнинг қониқарсиз натижаларини солиштирма оғирлиги ногиронлик умумий тузилмасининг 28% ни ташкил қилмоқда.Ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида стерженли тизим асосида қўлланиладиган бошқа ТФА модификациялари ишлаб чиқилган (Бэц Г.В., 1999; Vestergaard V. et al., 2020). Замонавий стерженли ТФА суяк бўлаклари фиксациясини юқори стабиллигини таъминлайди, жарохатланган сегмент бўғимларида харакатни тўлиқ сақлаб қолишга имконият яратади. Катта болдир суяги проксимал бўғим ичи синишларини даволаш учун видеоартроскопия усуллари ишлаб чиқилган. (Здебский И.П., 2009).

Ўзбекистонда бир қатор олимлар катта болдир суяги проксимал қисми синишларини даволашнинг турли усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб боришган, жумладан, Ирисметов М.Э.,Шамшиметов Д.Ф. ва ҳаммуаллифлар (2019) томонидан катта болдир суяги дўнгликлари синиши бўлган беморларда ўтказилган артроскопик даволаш усули юқори самарадорликка эга бўлиб, бу усулнинг амалий тиббиётда кенг

қўлланилишига тавсия берилган. Юсупов Н.Т. ва ҳаммуаллифлар (2008) тасдиқлашича, замонавий шароитда, бўлакчаларни аниқ ва ёпиқ репозицияси, қонсиз усулда уларни фиксациясининг ишончлилиги ҳамда шикастланган тизза бўғимининг эрта фиксацияси каби масалалар тўлалигича ўз ечимини топмади.

Кауц Д.А. (2010) катта болдир суяги проксимал кисми синикларида биофизик методлар билан ташки стерженли мослама ва ва динамик винтнинг конструктив (монтаж) холатларини урганиб чикишган ва вертикал куч ошиб бориши билан деформациянинг кучайиши кузатилган. Катта болдир суяги проксимал кисми бугим ичи синишларини репозиция қилиш учун индивидуал моделлаштирилган пластиналар қўллаш оркали беморни эрта реабилитацияни амалга оширган. Бабош В.А. ва ҳаммуаллифлар (2006) фикрига кўра, анъанавий жарроҳлик амалиёти катта болдир суяги платосини (очиқ ёки ёпиқ) бўлакли, кейинчалик бурама мих, стерженли фиксатор, бир Т- ёки L-симон таянч-пластина, икки пластинали репозицияни ўз ичига олади, аммо қуйидаги усуллар ҳар доим ҳам ёпиқ репозицияда уланган суякни бўғим юзасини мутаносиблигини аниқ тиклашга олиб келмайди. Шунингдек капсула-бойлам аппаратини бир вақтда юз берадиган шикастланишларини айнан бир хилда бартараф этишни иложи йўқ, бу оёқлар функциясини тиклашда салбий фикр билдирилади ҳамда даволаш муддатини узайтиради (Бабоша В.А., Маурисио Б.Н., Иносенсио В.А., 2006). Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган муаммо бўйича мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, катта болдир суяги проксимал қисми синишларининг мақсадли комплекс даволаш-профилактик дастурлари ёрдамида ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассаси иш режалари билан боғлиқлиги.Диссертация тадқиқотиРеспублика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ К-11-009 «Тизза бўғими сохаси бўғим ичи ва бўғим атрофи синишларида стабил-функционал остеосинтез учун янги услуб ва аппарат ишлаб чиқиш» амалий гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади катта болдир суяги проксимал қисми синишларининг миниинвазив хирургик усули ёрдамида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

катта болдир суяги проксимал қисми синишларини анъанавий даволаш усулларининг хато ва асоратларини аниқлаш;

катта болдир суяги проксимал қисми анатомо-физиологик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳа бўғим ичи ва бўғим атрофи синишларини стабил-функционал остеосинтези учун компрессион-дистракцион аппарат ишлаб чиқиш ва унинг биомеханик хусусиятини экспериментал-лаборатор йўл билан асослаб бериш;

ишлаб чиқилган аппарат ва Илизаров аппаратини катта болдир суягини проксимал синишларининг остеосинтез жараёнини математик моделлаштириш асосида таққослаш;

инструментал текширувлар ёрдамида катта болдир суяги проксимал қисми синишларида турли хил жарроҳлик усулларини қўллаш орқали ишлаб чиқилган компрессион-дистракцион аппаратни амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини исботлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказида 2000-2019 йилларда катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва бўғим атрофи синишлари билан даволанган 121 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предметисифатидаклиник,экспериментал, лаборатория, мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), электронейромиография (ЭНМГ), ультратовуш (УТТ) ва рентгенологик текширув усуллари ва тадқиқотлар натижалари ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллариилмий изланиш жараёнида клиник, нурли (рентгенологик ва МСКТ), электрофизиологик (ЭНМГ), УТТ допплерографик усуллари,эксперименталлаборатория шароитида катта болдир суяги проксимал қисми синишининг остеосинтези учун стабил-функционал аппаратни биомеханик хусусиятини текшириш, катта болдир суяги проксимал синишларининг остесинтез учун ишлаб чиқилган аппаратларини солиштирма математик моделлаштириш ҳамда даволаш натижаларига баҳо бериш, LEFS шкаласи бўйича баллар таҳлили ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

катта болдир суяги проксимал қисми синишлари турларига нисбатан дифференциал ёндашув асосида стабил функционал остеосинтезимконини берувчи мини-инвазив ташқисих-стерженли аппарат такомиллаштирилган;

катта болдир суяги проксимал қисми синишларини таклиф этилган мини-инвазив ташқи сих-стерженли аппарат билан хирургик даволашда тизза бўғимида эрта харакатни таъминланиши ва суяк консолидациясини оптималлаштирилиши исботланган;

катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи шикастланишлари бўлган беморларда ўтказилган электронейромиографик ва ультратовушли допплерографик текширувлар орқали миниинвазив ташқи сих-стерженли аппарат қўлланилган беморларда тизза бўғимининг эрта функцияси ва фаол ҳаракатнинг бошланиши туфайли нейротрофик ва микроциркулятор ўзгаришлар хавфининг камайиши исботланган;

ишлаб чиқилган мини-инвазив ташқи сих-стерженли аппарат ваанъанавий Илизаров аппарати конструкцияларининг солиштирма мустаҳкамлиги хамда аппарат деформацияси орасидаги боғлиқлик математик ва компьютерли моделлаштириш ёрдамида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

катта болдир суяги проксимал қисми синишларини клиник ва анатомо-функционал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даволаш тактикаси илмий асосланган холда такомиллаштирилган;

такомиллаштирилганкатта болдир суяги проксимал кисмини стабил-функционал остеосинтез сих-стерженли аппарати анатомик структураларнинг тўлиқ тикланиши ва бўғимда эрта фаолиятни амалга ошириш имкониятини яратиши исботланган;

такомиллаштирилган катта болдир суяги проксимал кисмини стабил-функционал сих-стерженли аппаратиёрдами билан остеосинтез ўтказиш даволаш самарадорлигини ошириш имконини бериши ва даволаниш муддатининг ўртача 10,7 кунга қисқариши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги клиник текширувлар натижаларининг хаққонийлиги, беморлар сонининг етарлилиги, нурли (рентгенологик ва МСКТ), электрофизиологик (ЭНМГ), ультратовушли допплерографиктекширувлар натижалари ва уларни статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинганлигибилан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва бўғим атрофи синишларини сих-стерженли аппаратнинг такомиллаштирилиши, лозим бўлган компрессияни ҳосил қилишга имкон берувчи, бўғимнинг анатомо-функционал ҳолатини максимал таъминловчи даволаш тактикаси, сих-стерженли аппарат ва унинг ёрдамидаги даволаш тактикаси шикастланишдан кейинги турли асоратларнинг ривожланиш эҳтимоли камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти катта болдир суяги проксимал қисми синишларини самарали ташхислаш ва комплекс даволаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, бунинг натижасида катта болдир суяги проксимал қисми синишларида суяк бўлакларининг аниқ репозицияси таъминланиши, даволаш натижаларини яхшилаш имкони, даволашнинг умумий давомийлиги қисқариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Катта болдир суяги проксимал қисми синишларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишга замонавий ёндашув асосида олинган илмий натижалар асосида:

катта болдир суяклари синишларини компрессион-дистракцион аппарат даволаш асосида ишлаб чиқилган «Компрессион–дистракционаппарат»га Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган(FAP 00571, 18.08.2010йил). Олинган натижалар катта болдир суяклари синишларини хирургик даволашда самара олиш имкониятини берган;

катта болдир суякларини даволаш бўйича «Катта болдир суяги синишларида сих-стерженли аппарат ёрдамида стабил-функционал остеосинтез» («Стабильно-функциональный остеосинтез переломов проксимального отдела большеберцовой кости спице-стержневым аппаратом») услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 3 ноябрдаги 8н-д/184-сонмаълумотномаси). Олинган илмий натижалар катта болдир суяги проксимал қисми синишларини

ташхислаш ва даволашнинг замонавий самарадор усулларини такомиллаштириш имконини берган;

катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва бўғим атрофи синишларида даволаш тактикасиниишлаб чиқилган бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Республика ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида, Бухоро вилояти Когон шахри тиббиёт бирлашмасида, Самарқанд вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази иш фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30ноябрдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида катта болдир суяги проксимал қисми синишлари бўлган беморларнинг даволаниш муддатларининг 10,7 кунга қисқариши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмидамавзунинг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, илмий янгилик ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларнинг жорий қилиниши ва апробацияси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва бўғим атрофи синишларини жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари тўғрисидаги замонавий қарашлар (адабиётлар таҳлили)»**деб номланган биринчи бобида катта болдир суяги проксимал қисмибўғим ичи ва бўғим атрофи синишларини жарроҳлик йўли билан даволаш усулини танлаш ҳақидаги замонавий қарашларларга бағишланган адабиётлар шархи келтирилган. Унда катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишларни рўй бериши ва ривожланиш механизми ҳамда синишларни даволашдаги ривожланиш тараққиёти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва бўғим атрофи синишларини жарроҳлик йўли билан даволашбўйича клиник материаллар ва тадқиқот усуллари тавсифи»**деб номланган иккинчи боби тадқиқот материаллари ва услубларини изоҳлашга бағишланган бўлиб, текширилган беморларнинг умумий тавсифи берилган.Текширувлар

2001-2019 йилларда катта болдир суякларининг проксимал қисми синишлари туфайли жарроҳлик усулида даволанган 121 беморларда ўтказилган.Беморларнинг ёши 18 дан 80 ёшгачани ташкил этди.Бунда беморларнинг ўртача ёши – 47,5±0,3 ёшга тўғри келган.Барча текширувдан ўтган аёллар29 (24%), эркаклар 92 (76%) беморларни ташкил қилган. Олинган маълумотларга кўра,шикастланганлар ўртасида эркаклар устунлик қилиб, бунда жинслар ўртасидаги муносабат ёшига боғлиқ ҳолда ўзгариб турди. Агар катта болдир суяги проксимал қисми синишли беморлар ўртасида 40 ёшгача бўлганларни асосий қисмини (87,9%) эркаклар ташкил қилган бўлса, эркаклар ва аёллар ўртасидаги шикастланган беморлараро муносабатлар 7:1 ни; 60 ва ундан катта ёшдаги беморлар ўртасидаги муносабат 1:1 ни ташкил қилган.

Катта болдир суяги синишларини таснифлашдаНоваченко Н.П. (1980) таснифи қўлланди (1-расм).



1-расм. Шикастланишни жойлашуви бўйича беморларни тақсимлаш

Қуйидаги тасниф бўйича катта болдир суяги проксимал қисми бўғим юзаси мутаносиблиги бузилмаган ҳолатда бўғим атрофисинган беморларда устунлик қилди, улардан 2 таси очиқ синиш (1,6%) билан келиб тушган. Агар медиал ва латерал дўнгликдаги алоҳида-алоҳида синишли (n=12 ва n=24га мос) беморлар кўриб чиқилса,латерал дўнглик синишлари, медиал дўнгликни алоҳида-алоҳида синишларига қараганда 2 мартадан кўпроқ учради.Бизнинг кузатишларимиз бўйича чап тизза бўғими шикастланини 60 ҳолатда (49,5%), ўнгда – 61 (50,5%) учради.Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим юзаси мутаносиблиги бузилмаган ҳолатда бўғим атрофисинган беморларда, бошқа бир вақтда юз берадиган синишлар 82 беморда учради, бу барча жарроҳлик амалиёти ўтказганларнинг умумий сонини 67,8% ни ташкил қилди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, кўп шикастланишлар билан 15 та бемор даволанди, бу бир вақтда юз берадиган шикастланишларни умумий сони

18,3% ташкил қилган. 48 та беморда бош мия ёпиқ жароҳати бўлиб, бир вақтда юз берадиган шикастланишларнинг умумий сонини 58,5% ва шикастланганларни умумий сонини 39,7% ташкил қилган. Иккинчи тизза бўғими травмаси билан 9 (10,9%) бемор мурожаат қилган. Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим юзаси мутаносиблиги бузилмаган ҳолатда бўғим атрофисинганбеморларда, бир вақтда юз берадиган шикастланиш нисбатан кам учраб, булар сон суяги (1,2%) билак суяги (1,2%) ва тўпиқ суяги (2,4) синишларидир.

Жарроҳлик йўли билан даволаш услубига боғлиқ ҳолда барча кузатувдаги беморларни икки текширув гуруҳига тақсимланди. Асосий гуруҳга (1-гуруҳ) биз томондан таклиф этилган аппаратдан фойдаланиш билан жарроҳлик амалиёти бажарилганлар 34 беморда (28,1%),назорат гуруҳига (2-гуруҳ) анъанавий услубда операция қилинган 87 (71,9%) беморлар киритилди.

Оёқлар учун функционал кўрсаткич (LEFS), M.Benkley et al (1999) маълумоти бўйича 20 тасдиқланган “қийинчилик йўқ” (4 балл)дан “қийинчилик билан ёки бажаришни имкони йўқ” (0 балл)гача бўлган, тўрт балли тизимда баҳоланишдан иборат бўлган. Бунда тизза бўғими касалликли ва травмали, шунингдек оёқларнинг бойлам аппарати шикастланган ва протезланган бўғимли беморлар учун мўлжалланган саволномадан фойдаландик. Ҳисоблаш барча пунктлар бўйича балларни жамлаш орқали амалга оширилди (энг юқори балл – 80 тенг, энг кам – 0).Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишли беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг яхши натижаларига 61дан 80 баллгача олганлар киритилди.Қониқарли натижа – баллар йиғиндиси 41дан 60 баллгача, қониқарсиз натижаларга якуний натижа 40дан кам балл олганлар киритилди.

Диссертациянинг **«Катта болдир суяги проксимал қисмисинишларини даволашда қўлланилган компрессион-дистракцион аппарат ва унинг биомеханик текширувлар натижалари»**деб номланганучинчи бобида катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишларини даволашда қўлланиладиган компрессион-дистракцион аппарат ва унинг биомеханик текширув натижалари келтирилган. Изланиш даврида катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишларини даволаш учун ЎзР ТОИТИ клиникасида компрессион-дистракцион аппарат ишлаб чиқилди(патент № FAP 00571, 2010) (2-расм).

Ушбу аппарат тизза бўғимида букиш ва ёзиш ҳаракатларини тиклашга ёрдам берди. Компрессион-дистракцион аппарат рамалари бир бири билан ўзаро бурама михли торткич ва болт билан бирлаштирилган, туйнуклар (3), иккита ташқи мосламалардан иборат.Ташқи мосламалар П-симон шаклда бажарилган уларга махсус тутқичлар таянч майдонли сихлар маҳкамланган. Ташқи мослама юзасига перпендикулярли маҳкамловчи тугунлар ёрдамида бурама михли тортгич билан уланган овал шаклдаги тешиклар бажарилган кронштейн ўрнатилган. Овал шаклдаги тешиклар суяк орқали бурама михли стержен ўрнатилган, юқори учи бурама михли стержен чарх кўринишидаги пастки учи суякни диафизар қисмига киритиладиган ўзи тешувчи бошча шаклида бажарилган, бундан ташқари махкамловчи болт билан

таъминланган.Биз томондан таклиф этилган компрессион-дистракцион аппарат шикастланувчанликни камайтиради, кузатув учун имконни кенгайтириб суяк бўлакларини ишончли махкамлайди ва беморни эрта фаоллаштиради.



2-расм.Катта болдир суяги проксимал қисми синишларидаги остеосинтез учун компрессион-дистракцион аппаратнинг чизмали тасвири

Травматологияда синишларнинг характери ва жойига боғлиқ ҳолда беморларни даволашда, турли конструктив ечимларга эга турли кўринишдаги аппарат махкамлагичлардан фойдаланилади.Шунинг учун ишнинг кўламини, синиш жойини мустахкамлаш, конструкцияси заиф жойини экспериментал жихатдан аниқлаш зарурати туғилади.Таклиф этилган услуб махкамловчи аппарат дуч келадиган тортувчи, сиқувчи ёки бошқа юкламалартаъсиридаконструкциядарўй берувчи деформацияларни ўлчашни тензометрик услубларига асосланган энди. Бунда махкамлагични физика-механик хусусиятини текширишда тензометрия услубидан фойдаландик. Экспериментал текширувлардаолинган натижалар бўйича фиксаторни ишлаш қобилиятини ва «фиксатор-суяк» тизими конструкциясининг чидамлилигига баҳо бериш, заиф қисмини такомиллаштириш асосида ундан фойдаланишда суякни тезроқ битишига олиб келувчи ва фиксаторни кинематик механизмлари оғирлиги ҳамда миқдорини камайтиришга имкон берувчи конструкцияни янги такомиллаштирилган вариантлари таклиф этилди. Ишлаб чиқилган ўлчов услуби «фиксатор-суяк» тизими қаттиқ ва пластик режимда ишлаганда, максимал чўзувчи ва қисувчи юкламани ва қолдиқ деформацияни рўй бериш жараёнини қайд этилди. Чўзилишлар синаб кўрилишида тизимни қаттиқ силжишини максимал аҳамияти U=0,6 ммни ташкил қилди. “Фиксатор-суяк” тизимини қаттиқ режимдаишлашини аниқлаш учун экспериментлар миқдори – 15 лаборатор синовни ташкил қилди. Шу билан бирга экспериментни ҳар бир серияси3 мартадан қайтарилди. Чўзувчи юкламанинг аҳамияти P=15,0 кгсдан 32,0 кгс атрофида ўзгариб турди, бунинг устига экспериментнинг ҳар бир сериясида юклама P=5,0 кгс бўйича олиб борди. Охирги экспериментида юкламани аҳамияти P=32,0 кгсга тенг бўлган.

Юқорида баён этилган экспериментлар билан бир вақтда, турли жадалликдаги сиқувчи таъсирда компрессион-дистракцион сихли-стерженли

аппарат билан эксперимент ўтказилди.Бунда чўзилишдаги экспериментида олдинги текширувдаги фиксатордан бу ҳолатда ҳам фойдаланилди. Сиқувчи юкламанинг P=15,0 кгсгача ошиб борувчи аҳамияти, суяк қисмлари силжишининг “фиксатор-суяк” тизимидаги аҳамиятида шунга ўхшаш синиш жойи тўғри чизиқли бўлди. Юклама ошиши билан силжиш эгри чизиқли бўлиб қолади, бу эса тизимда пластик хусусиятни акс эттиришидир. Масалан, сиқувчи юклама P=5,0 кгсдан 10,0кгсгача ошишида, силжиш аҳамияти U=0,42 ни, сиқувчи юклама P=15,0 кгсдан 20,0 кгсгача оширилганда силжишнинг аҳамияти U=0,28 ммни ташкил қилади.Катта болдир суяги проксимал синишларининг остеосинтез тизимида ишлаб чиқилган аппаратларни (Илизаров аппарати ва ишлаб чикилган аппарат) солиштирма математик моделлаштириш натижасида конструкцияларни солиштирма мустаҳкамлиги ва кучланиши-деформацияхолатида ўзаро боғлиқлиги аниқланди (3-расм).Илизаров аппарати ва таклиф этилган аппарат қўйилган куч – 100 Н дан 500Н га, яъни 5 баравар кўп куч таъсирида деформацияланиши (силжиши) 2.5 марта, кучланиши 1,98 марта ошганлиги таклиф этилаётган конструкция қулайлигидан ташқари мустахкам хамда устуворлигини кўрсатди.



А Б

3-расм. А – Илизаров аппарати моделининг кўриниши; Б – Компрессион-дистракцион аппарат моделининг кўриниши

Ўтказилган экспериментал текширув асосида биз томондан катта болдир суяги суяк тўқималарини чўзувчи ва сиқувчи хусусиятлари ҳақида маълумот олишга имкон берувчи, тензометрия қўлланилиши билан турли жадалликдаги чўзувчи ва сиқувчи юклама таъсирида компрессион-дистракцион аппарат учун экспериментал текширувлар ўтказиш услуби ишлаб чиқилди.Шу билан бир вақтда компрессион-дистракцион аппаратда маҳкамлашда, шунга ўхшаш синиш жойларида суяк қисмларини микросилжишини қайд этиш учун конструкция ишлаб чиқилди ва тензометрик датчик тайёрланди. Фиксаторни қаттиқ ишлаши ва юкламани максимал аҳамияти жойи, шунингдек, чўзувчи юклама таъсирида шунга ўхшаш синиш жойидан суяк қисмини нисбий силжиши аҳамияти аниқланди. Сиқувчи юклама таъсирида фиксаторнинг қаттиқ ишлашида тўғри чизиқли майдон жойи ва ишлашни пластик жойи аниқланди.

Диссертациянинг **«Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари»** деб номланган учинчи бобикатта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва

атрофи синишларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларига бағишланган. Юқорида қайд этилгандек, биз катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишли 121 беморни даволаш натижаларини ўргандик (1-жадвал).

1-жадвал

Жарроҳлик йўли ва даволаш турига кўра катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишли беморларни фоизли муносабати

Гуруҳлар	Услубни номи	сони	
		abs	%
Асосий гуруҳ	Компрессион-дистракцион аппаратида остеосинтез	34	28,1
Назорат гуруҳи	Илизаров аппаратида остеосинтез	66	54,6
	Танатортимида чўзиш	16	13,2
	Тортувчи болтда остеосинтез	3	2,5
	Пластинада остеосинтез	2	1,6
	Умумий сони	121	100

Асосий гурухга компрессион-дистракцион аппаратдан фойдаланишли остеосинтез қўлланилган беморлар киритилди. Назорат гуруҳига, даволаш даврида бошқа жарроҳлик йўли билан даволаш услуби қўлланилган қолган беморлар киритилди. Шу жумладан, Илизаров аппаратида остеосинтез даволаш даврида 66 беморга қўлланилган, бу беморларнинг умумий миқдорини 54,5% ташкил қилган.Тана тортимида чўзиш16 беморга,тортувчи болтда остеосинтез3 беморга ва пластинда 2 беморга қўлланилган. Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишларида беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда компрессион-дистракцион аппарат қўлланилишдаги жарроҳлик амалиёти кетма-кетлиги қуйида келтирилган.

Операция майдони антисептиклар билан ишлов берилганидан кейин, сонни пастги учлигидан иккита кесишувчи сихлар ўтказилиб клиника аппаратининг биринчи “П”симон ташқи мосламасига мустаҳкамланди. Болдирни ўрта учлигидан ҳам иккита кесишувчи Илизаров сихлари ўтказилиб клиника аппаратининг учинчи ташқи мосламасига маҳкамланади.Болдир суяги дистал қисми олд юзасидан иккита стержен суяк орқали ўтказилиб кронштейн ёрдамида клиника аппаратига маҳкамланди. Клиника аппаратига дистракция берилиб,шундан кейин жарроҳлик столида икки проекцияда тизза бўғимини назоратли рентгенографияси амалга оширилди. Катта болдир суяги дўнгликлари орқали таянч майдонли 2 та сихли ўтказилди ва “П”симон ташқи мосламасига бириктирилди, бу аппаратни иккинчи ташқи мосламасини ташкил қилди.

Сихли-стерженли аппаратда остеосинтез тугагандан кейин, бевосита операция столининг ўзида икки проекцияда тизза бўғимини қайта назоратли рентгенографияси амалга оширилган. Жарроҳлик столида остеосинтездан

сўнг сих-стерженлар атрофига асептик боғлам қўйилди. Яллиғланишга қарши профилактика мақсадида операция давомида бемор кенг доирада таъсир қилувчи икки дозали антибиотиклар олди. Кейинчалик антибактериал терапия бемор стационарда бўлган вақтда давом эттирилди.

Жарроҳлик йўли билан даволаш даврида сихли-стерженли аппаратда остеосинтез услуби қўлланиши 4-расмда келтирилган бўлиб, ушбу беморларнинг рентгенограммасида олд ва ён проекцияда, катта болдир суяги медиал ва латерал дўнгликни синишлари аниқланган.



4-расм. Бемор А.Ф. 25 ёш.Ўнг болдир суяклари ташқи дўнглигини ёпиқ бўғим ичи синиши: А) олд ва ён проекциядафоторентгенография; Б) мультислайсли компьютерли томография тасвири; В) аппарат қўйилгандан кейинги рентгенография; Г) Аппарат қўйилгандан кейинги умумий холат; Д) 4 ойдан кейинги фоторентгенография.

Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синган беморларни операция йўли билан даволаш усулларига боғлиқ ҳолда, уларни операциядан кейинги тактикаси аниқлаб олинди. Катта болдир суяги дўнглиги болт стяжка ва пластина билан остеосинтез қилингандан сўнг гипсли иммобилизация ёки ортезлар ёрдамидаги иммобилизация амалга оширилди. Иммобилизация муддати индивидуал равишда, синишни тури, компрессия даражаси, остеосинтез стабиллиги, беморнинг ёши, суякларнинг минерал зичлигига боғлиқ ҳолда суяк тўқималарининг регенерацияси рентгенологик назорат жараёни остида ва ўртача 8–12 ҳафтани ташкил қилди.

Сихли-стерженли аппаратда остеосинтез жарроҳлик амалиётидан кейин, беморнинг умумий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, жарроҳлик амалиёти соҳасида шиш камайиши ва беморда яллиғланиш аломатлари йўқлиги аниқланиб кейинчалик амбулатор кузатуви билан унга жавоб берилган. Катта

болдир суяги проксимал қисми синган беморларнинг реабилитация масаласига катта эътибор қаратиш керак, бу эса кўпгина жарроҳлик йўли билан даволаш якуний натижаларига боғлиқ. Катта болдир дўнгликларининг синиши даволашда таклиф этилган жарроҳлик йўли билан даволаш усули билан бўлакларни мустахкамлашга эришилди, бу эса эрта реабилитацияни бошлашга имкон берди.

Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синган беморларни жаррохлик йўли билан даволашнинг самарали мезонларидан бири, бу меҳнат қобилиятини тиклашдир. Олинган натижаларга кўра катта болдир суяги прокосимал қисми синган беморларнинг меҳнат қобилиятини тикланишини ўртача муддати компрессион-дистракцион аппаратда остеосинтез услуби қўллашга асосий гуруҳда нисбатан кам бўлиб, ўртача 148±2,2 кунни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич, назорат гурухига бўлган муносабат бўйича ўртача 0,58 марта кам. Беморларни даволашда компрессион-дистракцион аппаратдан фойдаланиши, даволашни ўртача муддатини камайтира бориб, тўқималарни кичик шикастланиши ва сифатли репозиция ҳисобига тизза бўғимида дегенеративли ва чандиқли жараённи ривожланиш эҳтимолини камайтиради.Шу билан бир вақтда ҳар икки гуруҳдаги беморларда кузатилган жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар қайта таҳлил қилинган.

Илизаров аппарати қўйилишида 3 бемордаги юмшоқ тўқиманинг сихли ўтказилган сохасида яллиғланиш қайд этилди, ушбу яллиғланишли жараённи бартараф этиш учун антибиотиклар, физиотерапия, антисептикли боғловни амалга оширдик. Кейинчалик барча беморлардаги яллиғланишли жараён бартараф этилди. Дўнгликлар репозицияси вақтида 2 беморда эгилиб қолиш рўй берди. Катта болдир суяги проксимал қисми ва венанинг устки қисмида 1 беморда жарроҳлик амалиётидан кейин (тортувчи болтни остеосинтез)тромбофлебитли кўриниш - варикоз кенгайиши ривожланган. Веналар йўли бўйича оғриқ, қотиб қолиш, шиш, тромбланган вена ости терисида гиперемия, пайпаслашда оғриқли шикоятлар пайдо бўлган.

Катта болдир суяги проксимал қисми синишли даволанган 121 бемордан жаррохлик йўли билан даволашни (жарроҳлик амалидан сўнг 9 ойдан кейин) узоқ муддат натижалари 66 беморда кузатилган. Бу умумий текширув остидаги беморларнинг 54,5%ини ташкил этган.

Даволаш натижаларига бахо бериш шикастланган оёқларнинг функционал тавсифномаси бўйича амалга оширилди. Натижалар қуйидаги маълумотлар асосида баҳоланди: субъектив ва объективли клиник текширувлар, нурли (рентгенологик, МСКТ) ва допплерографик текширув услублари. Субъективли клиник текширувларда оғриқ, юриш, оёқлардаги юкламани имкониятлари, фаоллик, меҳнат қобилиятини ва ўз-ўзига хизматнинг тикланиши, зинапоялар бўйича юришларга эътибор берилган.

Жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларига баҳо беришни, LEFS оёқлар учун функционал шкаладан фойдаланиш орқали ўтказдик.Юқорида қайд этилгандек даволашнинг узоқ натижалари (9-ойдан сўнг) сихли-стерженли аппаратдан фойдаланишли остеосинтез услуби қўлланилган асосий

гуруҳдаги 27 беморда, анъанавий услубда операция қилинган назорат гуруҳидаги 39 беморда даволаш натижаларини ўргандик (2-жадвал).

2-жадвал

LEFS шкаласи бўйича тизза бўғими сохаси бўғим ичи ва атрофи суяклари синишли беморларни жаррохлик йўли билан даволаш натижалари

Баллар миқдори	Асосий гурух		Назорат гурухи									
			жами		Илизаров аппаратида остеосинтез		Тана тортимида чўзиш		Тортувчи болтда остеосинтез		Пластинада остеосинтез	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1-40 балл	-	-	1	2,6	-	-	1	25,0	-	-	-	-
41-60 балл	8	29,6	17	43,6	11	35,5	3	75,0	1	50	2	100
61-80 балл	19	70,4	21	53,8	20	64,5	-	-	1	50	-	-
Жами	27	100	39	100	31	79,5	4	10,5	2	5,0	2	5,0

Текширув натижасига кўра, асосий гуруҳдан жарроҳлик амалиёти ўтказилганлар ўртасида 8 (29,6%) беморда баҳо 60 балл ва ундан камроғини ташкил қилди. Баллар йиғиндиси 19 беморда (70,4%) 61-80 ташкил этди(P<0,001).

Назорат гуруҳига кирган беморларни даволаш натижалари, қуйидагича бўлган: яхши кўсаткичлар (баллар йиғиндиси 61-80) 21 беморда (53,8%), қониқарли натижалар баҳоси (баллар йиғиндиси 60 ва камроқ) 17 беморда (43,6%), (P<0,05). Шу билан бир вақтда Илизаров аппаратидан фойдаланишни остеосинтез усулида жарроҳлик амалиёти ўтказилган 5 (7,6%) бемордаги жарроҳлик амали сохасида тўқималарнинг атрофик ўзгаришли қўпол чандиқли ўзгаришларни кузатдик.

Бундан ташқари, ушбу жаррохлик йўли билан даволаш услуби қўлланилган 4 (0,06%) беморда бўғим контрактурасини кузатдик.Кузатишлар давомида ушбу гурухдаги бир беморда (1,5%) жарроҳлик амали ярасини кеч битиши кузатилди.

Назорат гурухидаги 13 (16,7%) беморда бўғим ичи шикастланишларини ҳосил бўлиши кузатилган. Тизимли-скелетли чўзиш қўлланилган икки беморда (3,0%) нафас йўли ва юрак-қон томирда бузилишли, ўрта ҳажмини кичрайиши ҳамда кардиомиопатия кўринишидаги бузилишлар кузатилган.

Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофисинишларида беморларни даволашда танланган тактикани самаралигини назорати учун допплерографик ва ЭНМГ аппаратли текширув услублари танланган. Допплерограммага баҳо беришнинг аосий параметри сифатида, асосий қон томирларидаги систолик тезлик чўққисини (PSV) олдик (3-жадвал).

3- жадвал

Катта болдир суяги проксимал қисми жарохатларида қон томирлар тизимда даволашгача ва даволашдан кейинги допплерографик кўрсаткичлар

Қон томирлар	Гуруҳлар	PSV		
		Соғлом оёқларда	Жарохъат ланган соҳада даволаш-гача	Даволаш-дан кейин
Умумий сон артерияси	Асосий	81,4±3,87*	94,8±3,15**	84,1±2,77*
	Назорат	82,7±2,13*	95,2±3,38**	90,4±3,18**
Чуқур сон артерияси	Асосий	68,9±3,16*	79,9±3,08*	71,0±2,74
	Назорат	69,6±3,23*	80,7±3,11**	75,9±3,19**
Устки сон артерияси	Асосий	71,8±3,24*	83,3±2,67*	73,9±2,24*
	Назорат	72,9±1,15	84,56±2,79**	79,5±2,68**
Тизза ости артерияси	Асосий	60,2±2,22*	69,8±2,22	62,0±1,53*
	Назорат	61,3±2,86*	71,1±2,73**	66,8±1,82
Орқа катта болдир артерия	Асосий	68,9±2,87*	78,5±2,37*	85,9±2,87*
	Назорат	69,3±3,01	79,1±2,14**	81,2±1,93**
Товон ички артерияси	Асосий	53,7±3,27	62.3±1,47*	55,3±1,53*
	Назорат	54,1±3,78*	62,7±1,98**	58,9±1,79**

Назорат гурухи билан солиштирганда *p≤0,05, соғлом оёқ кўрсаткичлари билан таққослаганда**p≥0,05.

Барча текширилаётган беморларга даволанишгача ва эрта реабилитацион даврда (n=76) ва даволашнингаппарат олингандан сўнг ўтказилди. Компрессион-дистракцион аппаратда остеосинтези ўтказишда, эрта реабилитацион даврда асосий қон томирларда 97,8%, назорат гуруҳида қарши 91,5% (PSV) систолик тезлик чўққисини тикланиши кузатилган.Даволашни самаралигини бошқа кўрстакичи, электронейромиографик текширув ҳисобланади. Ушбу текширув услуби барча кузатилаётган беморларда ўтказилди (n=64). Ушбу услубнинг ўзига хослиги туфайли, текширув жарроҳлик амалиёти ўтказилгунча ва аппарат олингандан кейин ўтказилди (жароҳат олингандан сўнг ўртача 4-6 ойдан кейин).Бизнинг текширувларимизга кўра, нервли-мушакли синаптик берилишни ўтказиш учун зарур бўлган вақт пасайиши ҳисобига барча эҳтимоллик бўйича эрта тиклаш-реабилитацион тадбирлар ўтказиш даврида импульсни ўтказиш тезлиги ошиб борган. Назорат гуруҳидаги беморлар ўртасида ушбу кўрсаткич соғлом оёқларга бўлган муносабатга кўра ўртача 1,5 марта паст ва асосий гурухдаги беморларнинг кўрсаткичига бўлган муносабатга кўра ўртача 1,2 марта паст бўлган.

ЭНМГ йўли билан исботландики, компрессион остеосинтезни ўтказишда шикастланган оёқда нервли-рефлекторли қўзғалиш берилишининг тикланиши, жарроҳлик амалиётини бошқа турларига бўлган муносабат бўйича ўртача 0,58 марта тезроқ рўй берди.

Қуйидаги натижаларни инобатга олган ҳолда, катта болдир суяги проксимал қисми синишларини даволашда компрессион-дистракцион аппаратда остеосинтезни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

1. Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи синишларини анъанавий даволаш усулларининг хато ва асоратларининг ўрганиш жараёнида қуйидагилар: бўғимни ҳосил қилувчи суякларда анатомик тузилишнинг бузилиши (16,7%), жароҳат атрофида атрофик ўзгаришлари бўлган қўпол чандиқлар (7,6%) ва бўғим контрактураси (6,1%) аниқланган.

2. Катта болдир суяги проксимал қисми анатомо-физиологик хусусияти ҳисобга олинган ҳолда катта болдир суяги проксимал кисмини стабил-функционал остеосинтез қилиш учун ишлаб чиқилган сих-стерженли аппарат анатомик структураларнинг бутунлай тикланишини сифатли бажарилишига ва бўғимда эрта фаолиятни амалга оширишга имконият яратади.

3. Сих-стерженли аппаратни экспериментал текширувлар натижасида аппарат элементларининг ва тўлиқ конструкциясининг чўзилиш, сиқилиш ва эгилишга чидамлилиги биомеханик нуқтаи-назардан асосланган.

4. Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи ва атрофи шикастланишлари бўлган беморларда ўтказилган электронейромиографик ва ультратовушли допплерографик текширувлар сих-стерженли аппарат қўлланилган беморларда эрта фаоллик ва бўғимда фаол ҳаракатни бошланиши сабабли, нейротрофик ва қон томирларда макроциркулятор ўзгаришлар пайдо бўлиши хавфи камайган.

5. Математик моделлаштириш натижасида Илизаров аппарати ва таклиф этилган аппарат кўйилган куч – 100 Н дан 500Н га, яъни 5 баравар кўп куч таъсирида деформацияланиши (силжиши) 2,5 марта, кучланиши 1,98 марта ошганлиги таклиф этилаётган конструкция қулайлигидан ташқари мустаҳкам ва устуворлигини кўрсатди.

6. Амалиётдан узоқ вақт ўтгач ўтказилган текширув натижалари сих-стерженли аппарат қўллаш орқали даволанган беморларда ижобий даволаш натижалари (70,4%) анъанавий жарроҳлик усули билан даволанган беморлардагига (53,8%) нисбатан юқори бўлганлигини кўрсатди. Сих-стерженли аппарат ёрдами билан остеосинтез ўтказиш муддати ўртача 10,7 кунга қисқарди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙDSc.04/30.12.2019.Tib.62.01ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ

БОЙМУРОДОВ ГУЛОМЖОН АБДУГАФФАРОВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ПРИ ПЕРЕЛОМЕ ПРОКСИМАЛЬНОГО ОТДЕЛА БОЛЬШЕБЕРЦОВОЙ КОСТИ

14.00.22 – Травматология и ортопедия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ– 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.3.PhD/Tib 1049.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uzniito.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet»(www.ziyonet.uz)

Научный руководитель: **Дурсунов Ахмат Маликшаевич**
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: **Асилова Саодат Убайевна**
доктор медицинских наук, профессор

Валиев Эркин Юлдашевич
доктор медицинских наук

Ведущая оранизация: **Андижанский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «14» января 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии. (Адрес: 100147, г .Ташкент, улица Махтумкули, дом 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru. Зал заседаний Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрированаза № 42). (Адрес: 100147, г .Ташкент, улица Махтумкули, дом 78. Тел.: (+99871) 233-10-30).

Автореферат диссертации разослан «28» декабря 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 42 от «28» декабря 2021 года).

М.Э.Ирисметов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, старший научный сотрудник

У.М. Рустамова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, старший научный сотрудник

А.П. Алимов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребовательность темы диссертации. Внутри- и околосуставные переломыпроксимального отдела большеберцовой кости являются серьёзной медико-социальной проблемой. По данным ВОЗ, «…частота переломов мыщелков большеберцовой кости составляет от 1,2% до 7,9% всех переломов опорно-двигательной системы и от 7,4% до 12% всех переломов костей голени,при этом актуальность проблемы подтверждается высоким уровнем неудовлетворительных результатов лечения внутрисуставных переломов, составляющий до 25% в структуре инвалидности»[3]. Проблема лечения внутрисуставных переломов длинных костей конечностей определяется значительной частотой неблагоприятных результатов лечения.

В мире проводятся ряд научных исследований с целью диагностики, лечения и достижения эффективности профилактики переломовпроксимального отдела большеберцовой кости.Разрабатываются методы лечения с использованием аппарата Илизарова, интрамедуллярной и экстрамедуллярной фиксации, стабильных фиксирующих конструкций с использованием спиц-стержней, малоинвазивного пластинчатого остеосинтеза и блокирующей фиксации. Предлагаются различные дифференциальные подходы к нагрузке на ось кости. Нарастающая тенденция травм, сложность их этиологии и патогенеза, недостаточная эффективность существующих методов лечения негативно сказываются на функциональном состоянии опорно-двигательного аппарата. Это подтверждает, что проблема переломов проксимального отдела большой бедренной кости окончательно не решена и потребность в новых исследованиях.

В нашей стране для развития медицинской сферы, адаптации системы здроохранения мировым стандартам, для уменьшения осложнений переломовпроксимального отдела большеберцовой кости определены новые перспективные направления по «…повысить оказание медицинской помощи населению на значительно высокий уровень…»[4]. Реализация этих задач позволит повысить качество современных медицинских услуг, внедрить высокие технологии, выявить причины возникновения различных социально значимых заболеванийи, в конечном итоге, снизить уровень заболеваемости.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит исполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан, Постановлениях от 20 июня 2017 года № ПП–3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики

---

[3]World Health Organization Department of Violence & Injury Prevention & Disability (VIP) 20 Avenue Appia Geneva 27 Switzerland / Global status report on road safety // https://apps.who.int/iris/bitstream/handle.

[4] Постановление Президента Республики Узбекистан от 7 ноября 2018 года ПП-№4007 «О мерах усиления материального стимулирования сотрудников государственных медицинских учреждений и управленческих органов здравоохранения».

Узбекистан на 2017 - 2021 годы», от 1 декабря 2017 года №ПП-5270 «О мерах дальнейшему совершенствованию системы государственной поддержки лиц с инвалидностью» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

